



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 30 октябрь, чоршанба

№86 (11.474)

Эркин нарҳда сотилади

## БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Муҳим минтақавий ва жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муаммо – наркотик моддалар тарқатилишига қарши кураш масалаларини муҳокама этиш учун Тошкентга йирилган сиз, азиз меҳмонларимизни самий кутлайман.

Табиийки, ушбу вазифани бажаришда божхона органлари гоёт фаол рол ўйнаши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳам, вакиллари мазкур анжуманда иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва тарқатилишига қарши кураш муаммоларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Тобора кўпроқ худуд ва давлатларни қамраб олаётган бу муҳим жиноятчиликнинг авж олиши ана шу иллатга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини зудлик билан жипслаштиришни тақозо этмоқда. Наркобизнесга қарши курашда гоёт кескин чоралар тарафдори бўлмиш Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам бу

йўлда қатъий туради.

Ҳозирги замон учун гоёт долзарб мавзудаги конференцияни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилгани мамлакатимизнинг бу олижаноб ишга қўшаётган салмоқли ҳиссасининг Жаҳон божхона ташкилоти томонидан эътироф этилишидир. Мазкур анжуман "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш: наркотик моддаларга, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга бирлашган ҳолда ёндашув" мавзусига бағишлаб 2000 йил Тошкентда ўтказилган конференциянинг мантиқий давомидир, десак хато бўлмайди.

Менинг назаримда, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш борасида биргаликда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бу соҳада баҳамжihat ҳаракат қилишнинг энг мақбул механизмларини излаб топши ўтказилажак мунозараларнинг муҳим мақсади бўлиб қолиши лозим.

Биз ушбу конференцияни халқ-  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ларимизнинг наркотик моддалардан холи бўлган соғлом истиқболли таъминлаш йўлида турли ёндашувлар ва фикрларни аниқлаш ҳамда бир-бирига яқинлаштириш имконини берадиган анжуман деб биламиз. Буюк Ипак йўли давлатларининг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш муаммоларига бағишланган айнан мана шундай амалий мулоқоти ушбу минтақаларда бу бало тарқалиши йўлига таъсирчан ғов солишга, аҳолининг, биринчи навбатда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга кўмаклашади.

Ишончим комилки, Тошкент конференцияси наркотик моддаларнинг тарқатилишига қарши фаол ҳаракат қилиш ишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Ҳурматли конференция қатнашчилари, мана шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга муштарак режаларимизни рўйбага чиқаришда муваффақиятли ва самарали ишлашингизни тилайман.

Ислом КАРИМОВ.

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

29 октябрь. Будапешт. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифининг учинчи кунини ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга мазкур ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар бунга янада кенг йўл очди.

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга чақирди. Эро, хорихий сармоядорларнинг самарали фаолияти учун юртимизда барча ҳуқуқий ва амалий шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан венгриялик ишбилармонлар ҳам тўла фойдаланиши мумкин.

Ислом Каримовнинг Буда-

пешт шаҳри мэри Габор Демски билан суҳбатда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Будапешт Европаниннг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Шаҳарсозлик борасида венгрияликлар эришган ютуқлар Будапешт шаҳрида ўз ифодасини топган. Шаҳар санюати ҳам анча тараққий этган.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Республикаси Бош вазири Петер Меддьёши билан суҳбатда ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди.

Президентимиз шу кунини Кирилл саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди, Венгрия Миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Шунинг билан Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

## БОЖХОНАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) шафёълигида ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттизга яқин мамлакатларнинг божхона идоралари ва йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Рустам Юнусов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда сўзга чиққан ЖБТ Бош котиби Мишел Дане Ўзбекистон божхона органларининг фаолиятига юқори баҳо берар экан, Жаҳон божхоначиларининг ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро ахборот алмашишни янги поғонага кўтаришда мазкур халқаро анжуман муҳим рол ўйнашини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси Р.Ҳайдаровнинг айтишича, уч кун давом этадиган мазкур анжуманнинг асосий мақсади гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар божхона идораларининг амалий ҳаракатларини бирлаштирувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон божхоначилари томонидан гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимиз худудидан транзит тарзида олиб ўтилаётган 30 тоннага яқин гиёҳванд моддалар ҳамда 76 тонна прекурсорлар, жумладан, героин ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сирка ангидриди ушлаб қолинди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган ушбу йирик анжуманнинг ЖБТ шафёълигида Тошкентда ўтказилаётгани бежиз эмас. Анжуман Ўзбекистоннинг бу борада олиб бораётган амалий ишлари халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолатдир.

Озод РАЖАБОВ,  
ЎзА мухбири.

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги


## ХУСУСИЙ КОРХОНА ЭГАЛАРИ

«Рустамбек» хусусий тикувчилик корхонаси жамоаси хизматидан фойдаланаётган бекободликлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Бу ерда меҳнат қилаётган тажрибали, касбига меҳр қўйган чеварлар барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажармоқдалар. Мижозларнинг қадди-қоматига қараб қандай кийим тиктириш, фасон танлашда уларга ҳар гал маслаҳатлар берадилар. Шунинг учун жамоа ҳеч қоқилмай, бир маромда ишламоқда. Шаҳардаги хусусий тикувчилик корхоналари билан рақобатда бўш келмапти.

– 1995 йилда иш бошлаган эдик, – дейди корхона раҳбари Ноила Ортиқова. – Тўртта тикув машинаси бор эди. Мижозлар ва буюртмачилар кўпайишига қараб, уни кенгайтириб бордик. Ҳозир ўн саккиз нафар чевар ишляпти. Машиналар сони эса, йигирматадан ошиб кетди...

Корхонада янги ишлаб чиқаришлар ва ишчи ўринларини барпо этишда фақат олинган даромад ва ўз жамғармасидан фойдаланиляпти. Бу ерда яқка тартибдаги буюртмалар қатори, корхоналар учун коржомалар, мактаб ўқувчилари либослари тикиляпти. Кийим-кечакларни мижозни ўзига мослаб, қайта тикиш ҳам йўлга қўйилган. Шу туфайли ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар ўтган йил давомида ҳаммаси бўлиб уч миллион уч юз минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 4,5 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Усмирлар, ёш болалар, нафақахўрлар, корхоналар буюртмалари учун олиннадиган ҳақ 20 фоиз арзонлаштирилган.



СУРАТЛАРДА: илгор чевар Вера Хегай (юқорида), уста Умида Оролова шоғирлари Мастура Ерматова ва Гулмира Бухорбоева билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

● Шу сонга ●

«БЎСТОН»:

## ГАЛЛА ЭКИБ БЎЛИНДИ

Паркент туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалиги галлакорлари режада белгиланган майдонларга кузги бошоқли дон экишни 25 октябрда якунладилар.

525 гектар майдонга асосан, бугдойнинг «Крошкка» «Плавчанка», «Княжня» навлари уруғи сепилди. Шундан 345 гектари суғориладиган ер ва 180 гектари ламми.

Галла учун ажратилган майдонларни шудгорлаш ва экишга тайёрлашда, уруғлик донни меъёрида сепишда Мусо Юнусов, Абдувоҳид Жумаев, Мусо Миртожиев, Абдумажид Йўлдошев, Тохир Абдусатторов каби тажрибали механизаторлар жонбозлик кўрсатишди. Бош пуратчилардан Бахтиёр Юсуфхўжаев, Саттор Фармоновга қарашли майдонларга уруғлик дон барвақт ва сифатли экилди.

– Кузги галлани вақтида экиб олишда техника воситалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, – дейди бошқарув раиси Зайниддин Хўжааҳмедов. – Янгидан сотиб олинган иккита «Олтой» ҳамда битта «ДТ-75» русумли ҳайдов тракторлари ерларни барвақт тайёрлаб, уруғлик донни октябрдаёқ экиб олиш имконини берди.

Ўз мухбиримиз.

## ФАРМОКОЛОГЛАР СЕМИНАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Шодлик-Палас" меҳмонхонасида "Ўтиш даври мамлакатлари учун доришunosлик сиёсати масалалари" мавзuida икки ҳафталик халқаро семинар бошланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бостон университетининг хориждаги соғлиқни сақлаш тизимларини ўрганиш маркази, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Здрав Плюс (ЮСАИД) лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Семинарда дунёнинг қарийб йигирмата мамлакатидан тиббиёт ва фармокология соҳаси мутахассислари иштирок этмоқда.

— Бу каби семинарлар аввал АҚШ, Африка давлатлари,

Ҳиндистон, Ливан ва Индонезияда ўтказилган, — дейди ушбу курс раҳбари, Бостон университети жамоат соғлиқни сақлаш факультети доценти Ричард Лэнг. — Бу гал биз семинарни ўтказиш учун Марказий Осиёни, аниқроғи Тошкент ва Самарқанд шаҳарларини танладик. Зеро, кейинги ўн йил мобайнида ўтказиш даври мамлакатлари асосий доришunosлик сиёсати масалаларидаги ўзгаришларни даволаш андозаси бўйича дастуриламални қабул қилди ва тасдиқлади ҳамда доришunosликни хусусийлаштирди. Бироқ мил-

лий доришunosлик сиёсати асосий доришunosлик сиёсати рўйхатини тузиш ва хусусийлаштириш билан бир қаторда танловдек мураккаб масалани ҳал этиш зарурати билан ҳам боғлиқдир.

Халқаро семинарда миллий доришunosлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифаси, доришunosлик сиёсатини танлаш, харид қилиш масалалари, ишлаб чиқариш ва уларни молиялаш вариантлари кўриб чиқилади. Курс ҳар бир иштирокчига доришunosлик сиёсати масалаларидаги ўзгаришларни даволаш андозаси бўйича дастуриламални қабул қилди ва тасдиқлади ҳамда доришunosликни хусусийлаштирди. Бироқ мил-

Х.СОДИҚОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ● Шу сонга ● Шу сонга ●

### «ЎЗБЕКИСТОН»: АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

«Ўзбекистон» — Оққўрғон туманидаги юки оғир, кўптармоқли, йирик хўжаликлардан бири. Шунга қарамай, хўжалик деҳқонлари галла ва пахта етиштириш режаларини ҳар йили барвақт ва анча ортиги билан бажариб келишади.

Ана шу хайрли анъана бу йилги оғир шароитда ҳам оғишмай давом эттирилди. Хўжалик пудратчилари давлатга 2400 тоннадан зиёд хом ашё топшириб, шартнома режасини ортиги билан адо этдилар. Бугунгача 903 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 27 центнердан хирмон кўтарилди.

Илғор пудратчилардан Шавкат Эшонқулов, Абдулла Эргашев, Давлат Абдураимов, Соҳиб Ҳобилов, Турсунали Халилов, Абдуқайюм Абдурахмонов, Абдуразоқ Абдуллаев шу кунгача ҳосилдорликни 29-32 центнерга етказиб, режаларини 115-125 фоиз қилиб бажардилар.

— Лекин, бу йилги натижалардан кўнглимиз бироз тўлмайдир.

турибди, — дейди хўжалик бошқарув раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Ниёзов. — Негаки, ҳар йили бу пайтгача туман ва вилоятнинг умумий хирмонига кўшимча 1000 тонна атрофида пахта тўкиб, режани 130 фоизга етказиб қўйган бўлардик. Афсуски, об-ҳаво панд берди, ҳосил кечки бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, ҳаракат қилаямиз. Далада ҳосил бор, ишчи кучлари ҳам етарли. Мўлжалимиз гектаридан яна камида 10 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга шартнома режасига кўшимча 900 тонна хом ашё топширишдир.

Ўз мухбиримиз.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Чиноз туманида биринчилар қатори режани бажаришида кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, Жамила Иброҳимова, Муҳаббат Саидбекова (суратда) сингари чевар теримчилар мавсум айна кизгин кезларда хирмонга кунига 150 килограмдан пахта тўкиб, барчага ўрناق бўлдилар.

Даврон АХМАД  
олган сурат.



## ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг «Меҳр-мурувват» гуруҳи аъзолари Чиноз туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги далаларида бўлиб, теримчиларга тиббий ва маънавий хизмат кўрсатишди.

Хўжалик октябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ вилоятда биринчилардан бўлиб пахта топшириш режасини бажарди. Йиғим-теримда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган деҳқонлар «Меҳр-мурувват» гуруҳи томонидан алоҳида тақдирланди. Кийим-кечак, озиқ-овқат ва дори-дармонлардан иборат ҳадялар «Наврўз», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ва вилоят Қизил ярим ой жамияти томонидан тортиқ қилинди. Учрашувда туман маданият ходимлари намойиш этилган концерт дастури ҳашарчиларга куч-ғайрат бағишлади. Гуруҳнинг пахта далалардаги сафари давом этмоқда.

Зулхумор ЖўРАЕВА.



Пахта — 2002

## СИФАТЛИ ТОЛА ХОРИЖГА

Бўка пахта тозалаш корхонасида шу кунларда иш уч сменада ташкил этилган.

— Биз бу йил тумандаги 21 та ширкат ҳамда 300 га яқин фермер хўжаликлари билан 40.680 тонна пахта қабул қилиб олиш юзасидан шартномалар туздик. Мавсум бошланишидан олдин, аввало, корхона қошидаги ва хўжаликларда жойлашган тайёрлов манзиллари сифатли таъмирланди. 150 та пахта гарамлаш майдонлари, 61 та пахта қабул қилиш ва узатиш кичик механизмлари, 768 та брезент ёпқичлар тайёрлаб қўйилди, — дейди корхона тайёрлов бўлими бошлиғи Аҳмаджон Эшоннов.

— Бундан ташқари ишлаб чиқариш технологиясига ҳам муайян ўзгартиришлар киритилди.

Тозалаш цехидаги «С4-02», «УХК-1» дастгоҳлари, бош корпусдаги «ЗХДД-М» маркали тола ажратиш агрегатлари сифатли созланди. Шу боисдан хўжаликлардан келаётган пахта карвонларининг навбат кутиб, туриб қолишига йўл қўйилмапти. Корхонада сара уруг олишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозиргача режадаги 3000 тонна уругликнинг 1000 тоннаси тайёрлаб қўйилди. Маҳсулотнинг асосий қисми эса хорижга жўнатилмоқда.

А.ХУДОЁРОВ.

## ҲАМКОРЛИК

### ТОКИО МАКТАБИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси Токиодаги Коматсугава мактаби ўқувчилари илтимосига биноан ушбу таълим даргоҳида Ўзбекистон кунини ўтказди.

Тадбир дастурига мувофиқ, даставвал "Ўзбекистон - Буюк Ипак йўлида" мавзuida ўқув машғулоти ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, унинг Буюк ипак йўлида тутган ўрни ҳамда бугунги ижтимоий сиёсати тўғрисида сўз борди. Шу билан бирга ўқувчиларга Ўзбекистон жўрофияси, иқлими, табиий шароити ва фойдали қазилмалари ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинди. Маълум бўлишича, Ко-

матсугава мактабида таҳсил олаётган болалар жаҳон Интернет тармоқлари орқали Ўзбекистон билан боғлиқ қатор саҳифаларни мунтазам равишда кузатиб бориб, республикамиз тўғрисидаги билимларини ошириб боришар экан. Шу боис ҳам улар Ўзбекистонга бағишланган дарс машғулотида дадил ва аниқ саволлар билан фаол иштирок этишди.

Б.АЛИМОВ,  
"Жаҳон" АА,  
Токио.

### «ГРАНЦТАР» — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда бегона ўтларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда мамлакатимиз галлачилигида неча йилдирки, юқори самарали, экологик жиҳатдан безарар бўлган "Гранцтар" препаратидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу галладан юқори ҳосил олиш имконини ҳам бермоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан уюштирилган амалий семинар

АҚШнинг "Дьюпон" фирмасида ишлаб чиқилган "Гранцтар" препаратидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масалаларига бағишланди. Унда вазирлик таркибидagi галлачилик хўжаликлари вакиллари, мутахассислар, илмий ишлаб чиқариш марказлари ходимлари иштирок этди.

О.НОРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Истанбулда ўтказилган давлат раҳбарлари - Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзоларининг Самитида бешта йўналиш, яъни қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит, тарих, маданият, тасвирий санъат, фан ва технология, маориф ҳамда иқтисодиёт номинациялари бўйича голиб ва лауреатларни мукофотлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва но-органик кимё институти директори Зокиржон Салимов ҳам бор.

Академик Зокиржон Салимов санъат экологияси учун махсус аппаратларни яратгани учун халқаро эътирофга сазовор бўлди.

В.ДРАЧЁВ,  
ЎЗА мухбири.

## ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАР ТАВСИЯ БЕРИШДИ

Оҳангарон туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида картошкачиликни ривожлантириш мавзусига бағишланган республика машғулоти-кенгаши бўлиб ўтди.

Голландиянинг «Агрико» фирмасидан жаноб Франс бошчилигида ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассис иштирок этган ушбу машғулотлар давомида серҳосил, касалликларга чидамли янги картошка навларини яратиш борасида фикр-мулоҳаза юритилди. Хорижлик ҳамкорлар Ўзбекистон иқлим шароитида Голландия технологияси асосида картошка етиштиришни изчил ва барқарор йўлга қўйиш юзасидан қимматли тавсиялар бердилар.

Дарвоқе, республика

микёсидаги ушбу машғулоти-кенгашининг айнан Навоий ширкат хўжалигида ўтказилгани бежиз эмас. Чунки, хўжаликда кейинги йилларда Голландиядан келтирилган «Куроода» ва «Марфуна» картошка навларини экиб, парвариш қилиш йўлга қўйилмоқда. Бу навларнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, тезпишар, яъни 80 кунда етилади. Иккинчидан, агротехникаси ўрнига қўйилса, гектаридан 55 тоннагача ҳосил тўқади.

Отабек ҒАФҒОРОВ.

Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!

# Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi sahifasi

**Бизнинг мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини – ўсимликлар дунёсига ҳайвонларини сақлаб қолиб, кўпайтириш давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.**

Барча чоралар билан табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ҳаракат қилинмоқда.

Вилоятимиз экологлари ҳам табиат муҳофазасига оид муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Одатдагидек саноат корхоналари ва ташкилотлари, хўжаликларда табиат муҳофазасига оид тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан қурилишлар олиб бориш давом эттириляпти. Чунончи, бундай ишларни бажаришда 964,4 миллион сўмни ўзлаштириш режалаштирилган эди. Аслида бу анча ортиги билан бажарилди. Корхоналарда 1 миллиард 92 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари адо этилди. Бундан ташқари, 178 миллион сўмликдан ортиқ маблағ турли ташкилий-техникавий тадбирларга сарфланди.

Мазкур тадбирлар вилоят бўйича табиатни муҳофаза қилиш ишининг турли йўналишларида муайян ютуқларга олиб келди. Чунончи, атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,2 минг тоннага қисқарди, сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган об-ҳаёт ҳажми эса 5,7 миллион куб метрга камайди.

Вилоят табиатни муҳофаза

ларини қазиб олишда тартибни бузган 6 та иншоотнинг ишига ҳам хотима берилди.

Вилоят қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини ях-

ҳавола қилинди.

Вилоят давлат экология экспертларининг табиатни муҳофаза қилиш ишига қўшаётган улуши ҳам салмоқли бўлиб борапти. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 362 та янги иншоотлар қурилиши бўйича тузилган лойиҳаларнинг турли босқичлари кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти табиат муҳофазасига оид чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутганлиги учун маъқулланди. Айримлари эса камчиликлари бўлганлиги сабабли қайтарилди. Ўтган тўққиз ойида 6 та лойиҳа ўтказилмади, уларнинг камчиликларини бартараф этиш талаб этилди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга қаратилган ишлар кўлами доим кенгайиб, самараси ортиб бормоқда. Лекин, умуман олганда бундай ишлар замон талабларига тўла жавоб берадиган даражада эмас. Атмосфера ҳавоси, сувни булғатаётган манбалар ҳали ҳам кўп. Уларни ҳатто қисман бартараф этиш учун жуда кўп иш қилиш, мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш, табиат муҳофазаси бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўла амалга оширилишига эришиш лозим. Инсоннинг саломатлиги табиатнинг мусаффолигига боғлиқ эканлигини бир зум ҳам унутмаслик, бу муҳим ва ҳайрли иш ҳаммининг ва ҳар бир кишининг муқаддас вазифаси бўлиб қолмоқ керак.

## ҲАММАМИЗ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

қилиш кўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадваллар асосида 400 тадан ортиқ корхона ва ташкилотларда текшириш ўтказди. Текшириш жараёнида кўпдан-кўп қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Энг ачинарлиси шундаки, табиатга кўп миқдорда зарар келтираётган объектлар ҳам анчагина бор. Уларда ишлаб чиқариш технологиясига амал қилинмайди, иш тартибини бузиш холларига кўплаб йўл қўйилмоқда. Шу сабабли 11 та корхона ва цехларнинг фаолияти тўхтатилиб қўйилди. Шу билан бирга тегишли ҳужжатлари бўлмасдан, бунинг устига ер ости қазилма бойлик-

шилаш ва унумдорлигини ошириш борасида қатор ишлар қилинди. Мавжуд биологическая лаборатория ва биофабрикалар ишлари яхши самара берди. Уларнинг ёрдами билан 4 юз минг гектар ерга экологик соф биологик усул билан ишлов берилди.

Ўсимлик ва ҳайвотот дунёсини муҳофаза қилиш ишлари янада жонланди. Кейинги вақтларда тўрт минг метрдан ортиқ баллик овланган тўрлар, қатор ов милтиқлари мусодара қилинди. Рухсатсиз, ўзбошимчилик билан дарахт кесган ўнлаб мансабдор шахсларга нисбатан сал кам тўрт юз минг сўмлик жарима солинди, бир неча миллион сўмлик товон тўлаш бўйича ҳужжатлар тузилди, табиатга катта зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ишлар эса чора кўриш чун хўжалик судига

### Қонун ва ижро

**«АҲМАД-А»,  
«САБРИТА»**

#### ЁРДАМГА КЕЛДИ

Республикаимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Ҳар бир корхона ва ҳар бир жисмоний шахс қонун талабига мувофиқ чиқиндиларни зарарсизлантириши, қайта ишлатишни ва фойдаланишни таъминлаши алоҳида қайд этилди. Ангрендаги иссиқлик электр станциясида ҳам бу кўрсатмани амалга ошириш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди.

Бу нурхона асосан кўмир ёқилгисидан фойдаланади. Уни ёқишдан ҳосил бўладиган кул ва қурумлар жуда кўпайиб кетган. Ҳозир станциянинг кул-қурум йиғиш майдонида 4,5 миллион тонна шундай чиқинди тўпланган. У 82 гектар ер майдонини эгаллаб ётипти. Бу чиқиндиларни «Навоийцемент» корхонасига қайта ишлаш учун жўнатиш бир неча йил илгари бошланган эди. Ҳозир ҳам юборилмоқда. Лекин унинг миқдори денгиздан томчидек жуда оздир. Станция маъмурияти бу ишга янги мижозларни жалб қилишга киришди. Яқиндан бошлаб «Аҳмад-А» хусусий ва «Сабрита» кичик корхоналари ҳам ёрдамга келдилар. «Аҳмад-А» корхонаси йилига 30 минг тонна чиқиндидан фойдалана олади. «Сабрита» кичик корхонасининг қуввати бундан уч баравар зиёд кўп бўлиб, ҳар йили 100 минг тонна кул-қурумни қайта ишлата олади.

Хусусий ва кичик корхоналарнинг ташкил этилиши шаҳарда ишсизлик муаммосини ҳам озгина бўлса-да, енгиллаштириш имконини берди. Уларнинг ҳар бирида 35-40 киши иш билан таъминланди. Бу корхоналар шаҳардаги экологик вазиятни енгиллаштиришга ҳам кўмаклашмоқдалар, станцияда чиқиндилардан фойдаланиш ишлари жиддий бошланганидан дарак бериши билан эътиборга лойиқдир.

**А.РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.


### КўЧМА ЛАБОРАТОРИЯ КЕРАК

**Табиатни муҳофаза қилишнинг мониторинг хизмати экологик вазиятга тўғри баҳо бериш ва табиатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишда катта аҳамиятга эга.**

Бекобод минтақасида эса таҳлилий назорат инспекцияси гидрометеорология станцияси билан ана шундай хизматни амалга оширмоқда. Нозирлик сув ва ҳавонинг тозаллигини мунтазам кузатиб боради. Олинган маълумотлар асосида уларни ифлослантирувчи манбаларни аниқлаб, табиатни муҳофаза қилиш ишлари белгиланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Бекобод шаҳрида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Бекободцемент» очик турдаги акциядорлик жамияти ва бошқа қатор корхоналар сув ва ҳавони кўп даражада ифлослантирувчи манбалар бўлиб чиқди. Бу ҳақда тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, ана шу корхоналар раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш лозимлиги билдирилди. Нозирлик Бекобод шаҳридан ташқари Бўка туманида ҳам шундай таҳлилий ишларни олиб боради. Бу эса катта ҳудудни ташкил этади. Шунинг учун ҳамма жойда текшириш ишларини рўйба рўй қилишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Буни енгиллаштириш учун махсус кўчма лаборатория бўлиши лозимга ўхшайди.

**А.ДЎСМАТОВ.**

«Янгийўл ёг-мой» ҳиссадорлик жамиятининг ёг қадоклаш цехида ишга туширилган янги линия маҳсулотларни қадоклаш ва сифати яхши бўлишига ёрдам бермоқда.



## МАҚСАДИМИЗ ЖАРИМА СОЛИШ ЭМАС

**Республикаимиз мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланган жорий йилнинг ҳам тўртдан уч қисми тарихга айланди. Шу давр мобайнида кўмитамиз жамоаси минтақада табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган кенг кўламли ишларни амалга оширди.**

Корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар, муассасалар ва маҳаллаларда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ишлари қандай аҳволда эканлигини аниқлаш юзасидан жуда кўп текширишлар ўтказди. Чунончи, 15 та корхона ва хўжаликлар доим назорат остида бўлди. Табиатни ифлослантирувчи 713 та манба текширишдан ўтказилди, 107 та ифлос чиқиндиларни ушлаб қоладиган мосламаларнинг созлиги кўздан кечирилди. Бу анжомларнинг муайян қисми бузуқлиги, улардан фойдаланиш самарасизлиги аниқланди.

Йилнинг биринчи ярмида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлос чиқиндиларни камайтириш мақсадига қаратилган турли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан 48 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Албатта бу етарли эмас. Лекин шу маблағ туфайли атмосферанинг ифлосланиши сезиларли даражада камайди.

Мақсадимиз табиатни мусаффо сақлашдан иборат. Лекин кор-

хона ва хўжаликларда бу ишга етарли эътибор берилмаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Шунинг учун текширишлар натижасида жуда кўп камчиликлар фож қилинмоқда. Унинг айбдорларига нисбатан жазо чораларини кўришга мажбур бўлаёلمиз. Жумладан, саккиз нафар мансабдор шахсларга жами бўлиб 62 минг 390 сўм жарима солинди. Ўзбекистон металлургия комбинатининг қатор цехларида экологик аҳвол кўнгилдагидек эмас. Уларда ўтказилган текширишлардан кейин раҳбарлар оғохлантирилди. Лекин шунга қарамай, экологияни яхшилашга қаратилган ишлар қилинмади. Такрорий текширишлар натижасида айбдорларга нисбатан кескин чора кўрдик. Биринчи механика-таъмирлаш цехининг катта устаси Зокир Исабоевга 11 минг 835 сўм жарима солинди. Темир-терсак цехининг бошлиғи Юрий Цхе ҳам ўз ҳамёнидан ана шундай миқдордаги жаримани тўлашга мажбур бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бизнинг мақсадимиз жарима солиш эмас, она табиатни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга ҳозирги кўринишда етказиб берилишини таъминлашдан иборат. Биз, экологлар шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтираемиз.

**Д.БОЗОРБОВ,**  
Бекобод табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўмитасининг етакчи мутахассиси.

**Кўргазма**

**АСАРЛАРДА —  
ЮРТИМИЗ  
МАНЗАРАЛАРИ**

**Замонавий санъат марказида "Табиат, биз сенинг фарзандингмиз" мавзuida бадий кўргазма очилди.**

Ушбу кўргазмада ўзбек расомлари ўз ижодида анималистик санъат мавзусига илк бор мурожаат қилиб, тасвирий санъат орқали инсоннинг табиатга бўлган муносабатини акс эттиришга уринганлар.

Анималистик санъат - энг қадимий санъат тури бўлиб, ҳайвонларни тасвирлашдан иборат. Кўргазмадан кўзланган мақсад ҳам рассомлар кўзи билан жонли табиат олами акс эттиришидир.

Кўргазма асосини рассомларнинг Бадий кўргазмалар дирекцияси фондидаги асарлари ташкил қилади ва улар ушбу йўналишда илк бор намойиш этилмоқда. Ана шу мақсадни амалга ошириш ва бугунги кунда атроф-муҳит экологиясининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш учун санъатнинг барча турлари - халқ амалий санъати, рассомлик; ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек, фотоматериаллар, хариташунослик ҳужжатлари, Ўрта Осиёнинг ноёб музликлари ҳақида альбомлар, АҚШ кутубхонаси томонидан тақдим этилган журналлар, аудио ва видеоматериаллар жалб қилинган. Кўргазмада 300 га яқин экспонат намойиш этилмоқда.

Табиатни ҳайвонлар яшайдиган муҳит сифатида акс эттириш кўпгина ўзбек рассомлари ижодидан ўрин олиб, жониворлар ҳаёти назокат, муҳаббат ва айни пайтда ҳазил билан акс эттирилган. Масалан, А.Нурнинг "Ошиқ типратикан", М.Кагаровнинг "Мушук" каби асарлари шулар жумласидан. Бирок ҳайвонлар кўпинча ҳимояга муҳтож бўлади ва шу пайтда рассомлар бонг уради. Г.Қодиров "Тун. Қора турна" ва "Тун. Боғда" номли триптихини фожеа деб атайди.

Кўргазманинг алоҳида бир бўлими Орол муаммосига, дунё микёсидаги фожеага, денгизнинг йўқолиб кетишига бағишланган. Шубҳасиз, мазкур кўргазма бизда инсон атроф-муҳитнинг ажралмас қисми эканлиги ва табиатсиз яшай олмаслигини англаш хиссини уйғотади.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.**

**Оҳангарон водийси деганда унинг осмонўпар тоғлари, ям-яшил қир-адирлари, поёнсиз ўрмону арчазорлари, мусаффо ҳавоси, зилол чашмаю дарёлари, шўх сойлари кўз ўнгингизда намоен бўлади. Уни жаннатнинг бир бўлаги дейишлари бежиз эмас. Зилол сувидан бир қултум ичган, мусаффо ҳавосидан бир марта нафас олган инсоннинг баҳри-дили очилади.**

**ВОДИЙ КЎРКИГА  
ДОҒ ТУШИРМАНГ**

Лекин минг афсуслар бўлсинки, унинг ана шундай ажойиб табиатига доғ тушираётган, ифлос қилаётган манбалар жуда кўп. Саноат корхоналари, ҳўжаликлар, автосаройлар ва бошқа турли ташкилотлар ана шулар ҳисобига киради. Шунинг учун ҳам ўтган йили аҳоли сони бошига атроф-муҳитга чиқарилаётган ифлослантувчи моддалар 250 килограмм атрофида бўлди. Бу водийда жойлашган Олмалик, Оҳангарон, Ангрэн каби йирик саноат марказлари табиатга кўп даражада зарар

келтирмоқда. Биргина Оҳангарон минтақасидаги 12 та йирик саноат корхоналари атмосферага деярли 9000 тонна ифлослантувчи моддалар тарқатган. Айниқса, «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти ва «Оҳангаронранглицемент» қўшма корхонаси бу соҳада «рекордчи» ҳисобланади. Минтақадаги умумий булғаланиш даражасининг 99 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла бажариш учун фа-

олияти кўламини йил сайин кенгайтириб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлар ишини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ 20 та текшириш ўтказди. Бунинг натижасида

аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш юзасидан 70 тага яқин кўрсатма берди. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини кўпол равишда бузган 20 нафар мансабдор шахслар ва фуқаролар ўз айбларига яраша жазоландилар. Уларга 123 минг сўм ҳажмида жарима солинди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига кўз олайтираётган қатор шахслар ҳам қўлга тушди. Улардан 18 минг сўм жарима ва 22 минг сўмдан кўпроқ товон пули ундирилди.

Лекин минтақавий қўмита

қанча ҳаракат қилмасин табиатни муҳофаза қилиш мақсадида корхона, ҳўжаликларда тузилган режаларнинг кўп қисми амалга ошмай қоғозда қолиб кетмоқда. Масалан, атмосфера ҳавосига чанг ва газ каби заҳарли моддаларни чиқаришни камайтириш учун салкам 163 миллион сўм маблағ сарфлаш назарда тутилган эди. Амалда эса унинг 38 миллиони ўзлаштирилди. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича сарфланиши лозим бўлган маблағнинг ҳам 40 фоизи ҳаражат қилинди, холос. Бу афсусланарли бир ҳолдир. Шундай бўлгач, Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси ўз ишида қатъий бўлиши, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш юзасидан белги-ланган чора-тадбирларнинг тўла бажарилишига эришиш учун талабчанликни қўлайтириши лозим. Бу ишга жамоатчилик кенг жалб қилинса, табиатни муҳофаза қилиш ҳамма ва ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги чуқур тушунтирилса унинг самараси янада салмоқли бўлади.

**С.ҲАМИДОВ.**

**ЧИҚИНДИЛАРДАН —  
ХЎЖАЛИК БУЮМЛАРИ**

**Турли-туман яшиқлар, ҳар хил диаметрли қувурлар, шиша идишлар учун қоқоқлар... Янгийўлда фаолият кўрсатаётган «Авесто-Шамс» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланаётган бундай хўжалик буюмлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.**

Бунинг эътиборли жойи шундаки, бундай маҳсулотларнинг ҳаммаси саноат ва рўзгор чиқиндиларини қайта ишлаш асосида юзага келтирилмоқда. Фирма маркази босилган маҳсулотлар мамлакатимизда маълум ва харидордир.

Дастлаб ўз фаолиятини «Меҳнат» кооперативи номи бошлаган корхона жамоаси йил сайин ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, маҳсулот турини кенгайтириб бормоқда. Замонавий илғор технологияга асосланган асбоб-ускуналар билан жихозланган фирма йилига минг тоннадан зиёд полимер ва пластмасса чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга.


Корхонада охириги йилларда пахта экиш даврида ишлатилаётган ва чиқинди ҳолатига келган пленкаларни ҳам қайта ишлаш йўлга қўйилди. Полимер ва пластмасса чиқиндиларидан бир қатор халқ истеъмол моллари тайёрланмоқда. Корхонанинг яна бир эътиборга лойиқ томони ҳам бор. У экологик жиҳатдан тоза корхона ҳисобланади. Тўла қувватда ишлаганда, йилига атмос-

ферага бор-йўғи 75 килограмм зарарли моддалар — неорганик чанглар чиқаради, бу эса руҳсат этилган меъёрлардан анча паст. Технологик жараёнда сув ҳавзаларига зарар келтирувчи вазиятлар йўқ.

Корхонанинг ижобий йўналишларидан бири пахта майдонларида ишлатилган полиэтилен


пленкаларини йиғиб олиб, уларни қайта ишлашдир. Бу эса ўз навбатида майдонларни неорганик кимёвий моддалардан тозалашга олиб келади. Бу борада ҳозирги пайтда, айниқса, Ташкент вилоятининг пахтачилик туманларида алоҳида ишлар олиб борилаёпти. Хўжаликларда йиғилган полиэтилен пленкалари корхонага мунтазам келтириляпти. Экин майдонларини кимёвий чиқиндилардан тозалаш ижобий натижа бермоқда.

**В.МАҲМУДОВ.**



**СУРАТДА:** «Авесто-Шамс» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида уста А.Қосимов ва термопласт автомат қуювчиси Б.Нурматовлар иккиламчи полимер чиқиндиларидан яшиқлар ишлаб чиқармоқдалар.

**Ажойибот  
МАНА БУНИ  
КЎЗИҚОРИН  
ДЕСА БЎЛАДИ**



Краснодар фирмаларидан бирида ишлаётган ҳайдовчи Владимир Осокин ва унинг умр йўлдоши Наталья кўзиқоринларга унчалик хушлари йўқ. Лекин, шу кунларда бу «сокин ов»нинг тажрибали ишқибозлари ҳам уларга ҳавас қилмоқдалар. Гап шундаки, вазни 7 килограмм 250 грамм тош босадиган ҳақиқатдан ҳам улкан кўзиқоринни топиш ҳаммага насиб қилавермайди.

Наташа дала ҳовлисига келиши билан уни айлиниб чиқа бошлади. Даланинг этагида катта оқ қоқоққа ўхшаш нарсага кўзи тушди. Яқинига бориб қараганда бу нарса ёмғирдан кейин пайдо бўлаган кўзиқорин бўлиб чиқди. Осокинлар уни тановул қилишга шошилмадилар, кўзиқоринни томоша қилишга кўни-кўшнилари таклиф қилдилар.

**Сўраган эдингиз**

**КАКЛИКЛАР ҲИМОЯГА МУҲТОЖ**

«Бир вақтлар бизнинг шахримиз атрофидаги тоғлар ва унинг ёнбағирларида какликлар кўп бўлар экан. Эндиликда, уларни деярли учратмаймиз. Бу чиройли ва кўркем кушларни овлаш ёки тутиш мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Султон Маҳмудов, Ирисмат Исроилов ва бошқалар, Олмалик шахри».**

Ҳақиқатдан ҳам бир вақтлар какликлар бизнинг мамлакатимизда кенг тарқалган, ҳамма тоғларда тўп-тўп бўлиб учиб юрар, ўзларининг сайрашлари билан атроф-теваракка файз киритарди. Шунинг учун ҳам, бу куш Ўзбе-

кстонда кўпчиликка маълум ва машҳур бўлиб кетган. Айниқса, Боботоғ тоғларида, Ҳисор тизмаси тармоқларида кўпроқ, Зарафшон, Туркистон, Чотқол тизмаси худудларида камроқ яшаган.

Ёзда баланд тоғлардаги

қоялар ўртасида ва арчазорларда эрта тонгда ва кечга яқин ҳамма томондан какликларнинг сайраши эшитилади. Улар турли хил қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларини, дон ва ўсимликлар уруғларини тановул қилади. Қорни тўйганидан кейин, булоқларнинг ёнига тушади.

Апрелда макиёни тахминан 10 сантиметрча келадиган қиягина чуқурча қазиб, унга хазон ёки хас-чўп ёзади. Апрельдан июнгача тухум қўяди. Жўжалари ёз бўйи учрайди, улар ота-

онасига эргашиб юраверади. Сентябрьда катта гала бўлиб олади. Тоғларга қор кўп тушганда, какликлар дарё водийларига ва емиш қидириб қишлоқлар атрофларига ҳам тушади. Бу кушлар учун жуда оғир давр бўлади. Улар дон тополмайди, натижада дарёлар ва сойлар қирғоқларида кўкариб турган ўтлар билан кифояланишга мажбур бўлади. Қишда какликлар доимо гала бўлиб яшайди. Бир жойда зич тўдалашиб тунайдилар. Улар бир-бирига ёпишиб ётиб, ўзларини иситдилар. Бирор нарса тинчликни бузса, теварак-атрофга тарқаб кетади ва совуқ қаттиқ бўлса халок бўлади.

Каклик гўшти жуда мазали ва тотли. Уларнинг кўплай қирилиб кетишига олиб келадиган сабабларнинг бири ҳам шунда. Инсонлар уни хуш кўришади. Шу туфайли, мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги каби, вилоятимизда ҳам йил сайин камайиб кетмоқда. Эндиликда уларни овлаш маън этилган. Бунинг учун мутасадди идораларнинг руҳсати ва махсус ишонч қоғози зарур. Ўзбошимчилик қилинса, катта жарима солинади, маъмурий жавобгарликка тортилади. Мақсад кўркем паррандаларни йўқолиб кетишдан сақлаб қолиш ва кейинги авлодга қолдиришдир.

Газетада чоп этилгач

Газетанинг бундан олдинги «Табиат ва инсон» саҳифасида берилган мақолаларнинг бирида туманимиздаги Чилисойда сувнинг таъсири оқибатида юз бераётган тупроқ эрозияси давом этаётганлиги, бу ҳатто, унинг худудидан ўтадиган Бўка-Бекобод автомагистрални кўпригига ҳам хавф солаётганлиги танқид қилинган эди.

Тумани ҳокимлиги ва қатор мутасадди ташкилотлар бу муаммони ҳал қилиш учун биргаликда ҳаракат бошлади. У ўзининг самарасини бермоқда. Тупроқ эрозияси тўла бартараф этилди. Бунинг учун оқадиган сувнинг тезлигини камайтириш мақсадида темир-бетон блоклари қўйилди. Ўзанининг ҳар икки томони экскаваторлар ёрдамида қия қилиб текисланди. Натижада қирғоқларнинг емирилиши тўхтади. Бу муаммонинг ҳал қилинишида кўмитамизнинг ҳам улуши бор. Чунки бу масалани бир неча йилдан бери кўтариб, мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола қилар эдик. Илгари ҳам тупроқ эрозиясини тўлатиш учун муайян ишлар қилинган эди. Лекин улар чала-чулпа бўлгани учун муаммо охиригача ечилмай қоларди. Кўпчиликдан куён қочиб кутулмас, деганларидек, бир қанча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги нисбатан катъий чоралар кўрмоқдамиз. Рухсат олмай

# НУҚСОНГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

туриб, дарахтларни кесган 7 та фуқарога жарималар солдик. Улардан 35,5 минг сўм жарима ва 66,5 минг сўм миқдорига тоvon пуллари ундириб олинди. Автотранспортдан чиқаётган газ ва бошқа заҳарли моддалар табиатга катта зарар келтирмоқда. Шунинг учун автокорхоналардаги ва кўчаларда қатнаётган автомобилларни газ чиқариш даражасини мунтазам текшириб турибмиз. Атроф-муҳитга меъёридан ортиқча ифлос моддалар тарқатаётган автокорхоналар ва айрим транспорт воситалари эгалари доим жазоланмоқда. Чунончи, «Холис-сервис» акциядорлик жамияти директори М. Бекқуловадан салкам 4 минг сўм ундириб олинди. Бўка машина-техника саройи бош муҳандиси К. Дўсматов ҳам корхонада табиатни муҳофаза қилиш ишларига бепарволик билан қараганлиги учун шунча миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. «Туркистон» ширкат хўжалиги гаражи мудири М. Расулов, Бўка йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармаси ҳайдовчиси И. Носиров, С. Саймоқов номли ширкат хўжалиги гаражи мудири А. Зиёвуддиновлар ҳам

ана шундай жазога лойиқ деб топилди.

Жорий йилда табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида аҳамият бераёلمиз. Бу иш билан етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган бўкаликларни қамраб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар ва бошқа ўқув юртлари, маҳаллалар ва шаҳарчаларда бўлиб, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳит мусоффолигига боғлиқ эканлигини ҳар бир фуқаро онгига чуқур синдиришга интиляёмиз. Бу ишда санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, маҳала оксоқоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни ташкил этганмиз. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳам қатнашмоқдалар. Улар билан бирга «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши шаҳарча» каби кўриклар ташкил этдик. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида уларни яқунладик. Кўрик-танлов голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Табиатни муҳофаза қилиш ишининг кўлами жуда кенгдир. Шунинг учун ўз фаолиятимизни бундан бундан янада такомиллаштириш, бу ишда кенг жамоатчилик ёрдамига суянишни давом эттирамиз.

**И. АЗИМОВ,**  
Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг етакчи мутахассиси.

# ҚАЧОНГАЧА БАҲОНА ҚИДИРАМИЗ

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли хусусий, кўшма ва кичик корхоналар, йирик корхоналарнинг филиаллари барпо этилмоқда, уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Лекин бунда экологик муаммоларни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Тошкент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари шундай ишлаб чиқаришлар ҳам атроф-муҳитни камроқ ифлослантиришларига қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгилаши ва амалга оширилишига эришмоқда.

«ВЭК» хусусий кичик корхонаси, «Гулистон сервис» хусусий фирмаси, «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги каби бир қатор корхоналарда табиат муҳофазасига доир аниқ ишлар қилинмоқда.

Бу корхоналарда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш бўйича масъул шахслар тайинланган, тегишли тадбирий чоралар ишлаб чиқилган, меъёрий ҳужжатлар тайёрланган, худудларига мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари ўтказилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Лекин, туманимизда ҳозирги кундаги вақтинчалик кийинчиликларни рўқач қилиб, табиат муҳофазасига эътибор бермаётган корхоналар, ташкилотлар ҳам бор.

Келес автотранспорт корхонаси ва «Дендрарий» боғи шулар жумласига киради. Уларда табиатни муҳофаза қилиш ишлари талабга жавоб бермайди. Бунга қаратилган тадбирлар умуман ишлаб чиқилмаган ва олиб борилмаётган.

Келес автотранспорт корхо-

насида автомобилларни ювиш жойини куриш бир неча йилдан буён пайсалга солиб келинган. У анча вақтдан бери чала-лигича ётипти. Ваҳоланки, ҳар бир автокорхонада шундай махсус жой бўлиши шарт. Бундай аҳвол корхона раҳбарларининг бефарқлиги оқибатидир. Озгина хафсала бўлса, у аллақачонлар битиб кетган бўларди.

«Дендрарий» боғи ҳам шундай камчиликлардан ҳоли эмас. Боғ атрофи яхши ўралмаганлиги сабабли чорва моллари унинг худудига кириб, ёш дарахт ниҳолларини пайҳон қилмоқда. Бундан ташқари, боғ маъмурияти уларни суғоришни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Оқибатда дарахтлар қуриб қоляпти. Боғда экологик аҳвол шундай давом этса, унинг аянчли ҳолга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бундай камчиликларни бартараф этиш айтарли маблағ ҳам, меҳнат ҳам талаб қилмайди. Фақат ҳаракат, амалий иш керак. Шундан қочган мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳар хил асоссиз баҳоналарни рўқач қилиш билан чекланмоқдалар. Бу ўзибўларчилиқнинг ўзгинаси, унга қанча тез барҳам берилса, шунча яхши бўлади. Биз ҳам шунга ҳаракат қиламиз.

**Абдуқарим АБДУРАҲИМОВ,**  
эколог.

# ҲАВОНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ КАМАЙМОҚДА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ва уни соф металлларга айлантириш жараёнлари атроф-муҳитга албатта таъсир қилади. Бусиз иложи йўқ. Корхона раҳбарияти ва жамоаси табиатга етказилаётган зарарни иложи борича камайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун ҳар йили кўлаб маблағлар ажратилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш давомида атроф-муҳитга тарқатаётган зарарли моддаларни камайтиришга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Чиқарилаётган газлар билан бир қанча зарарли моддалар ҳавога тарқатилади. Лекин уларнинг биттаси — сульфат ангидриди бўйича кўрсаткич йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёридан ортиқча бўлмоқда. Бунга хотима бериш учун биринчи навбатда мис эритиш заводини қайта куриш талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу заводнинг техника воситаларини янгилаш юзасидан кенг кўламдаги ишларни бажариш мўлжалланмоқда. Бу корхонанинг мис эритиш қувватларини ошириш билан бирга технологик чиқиндилар ҳисобланган зарарли моддаларни, шу жумладан сульфат ангидридни 13,2 баравар камайтириш имконини беради.


Қайта куриш ишлари бошланганидан бери 2001 йилгача 2407 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу даврда 638 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Чунончи, ҳавони тақсимловчи учинчи блок, янги шихта бўлинмаси фойдаланишга топширилди. Учинчи олтингурут цехи маҳсулот бера бошлади. Бу цех ҳар йили 360 минг тонна шун-

дай қимматли хом ашё ишлаб чиқаради. Цехнинг ишга тушиши натижасида сульфат ангидридининг ҳавога тарқалиши деярли икки баробар қисқарди. Тўртинчи электрофилтрлар конвертерининг фойдаланишга топширилиши бошқа хил технологик газлар ва чанглари чикишини сезиларли даражада камайтирди.

Ҳозирги вақтда тўртинчи конвертерни қайта куриш бўйича бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда ҳам газ ва чанглари ушлаб қолувчи мосламалар ўрнатилади.

Бундан ташқари, комбинатимизнинг ўз маблағи ҳисобига янги кислород блоки қурилади. Чиқиндиларни қайта ишлаш имконини берадиган асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилади. Жорий йилнинг биринчи ярмида мис эритиш заводини қайта куриш учун 438 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган бўлса, унинг бир қисмига замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Комбинатимиз жамоаси мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун рангли ва ноёб металллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш қатори табиатни асраб авайлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш йўлини давом эттиради.

**А. ФИЛИМОНОВ,**  
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» бўлими бошлиғи.



Ангрендаги босмаҳона шаҳарни ободонлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг жамоаси корхона жойлашган Л. Фишман кўчасини оталиққа олиб, уни ободонлаштирмоқда.  
СУРАТДА: Л. Фишман кўчасида.

# ЁРУҒИ ЯХШИ, ЛЕКИН ЎЗИ ХАВФЛИ

Люминация ёки оддий қилиб айтганда кундузги ёритувчи лампалардан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Чунки улар атрофни яхши ёритади, кўзни унчалик толиқтирмайди.

Лекин бундай ёриткичларнинг салбий томонлари ҳам бор. Уларни ишлаб чиқаришда симобдан фойдаланилади. Симоб эса, заҳарлиги жиҳатидан энг зарарли моддалардан бири ҳисобланади. Бундай лампалар куйганида кўпинча ахлат ва чиқиндиларга қўшиб ташлаб юборилади. Амалда бунга асло йўл қўймаслик керак. Лампа синса, унинг таркибидаги симоб буғланиб, ҳаво билан аралашиб кетади. Инсон нафас олганда албатта танасига киради. Бу ерда тўпланган симоб кишининг асаб тизимига, миёсига салбий таъсир қилади. Буйрак ва ошқозончак йўли фаолиятини бузади.

Агар симоб буғлари бошқа органик моддалар, металллар, масалан, мис билан бирлашса унинг танага бўлган зарарли таъсири бир неча бор кучаяди. Бундай ҳолатда ирсиятга ҳам таъсир қилиши мумкин. Агар яшаш хонасида битта люминация лампаси синса ундан чиққан симоб буғлари шу ердаги деярли барча анжомларга ўтиради, у эса узок вақт ажралиб чиқиб атроф-муҳит ҳавосини булғайди. Шундай ёриткичларнинг мингтаси кўчада синиб ётса Тошкент шаҳар худудининг 75 фоизини уч қават баландлигида ифлослантиради.

Шунинг учун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти симобни энг

заҳарли моддалар турига киритган. Синган лампаларни махсус технологик тартиб асосида шунга мосланган асбоб-ускуналар ёрдамида синдириб ташлаш тавсия этилади. Шундай қилинганда симоб буғининг атроф муҳитга таъсири 8,5 минг баробар камайтирилади. Бундай лампаларни синдириб ташлаш ва зарарсизлантириш билан шуғулланувчи махсус корхона мавжуд бўлиб, у республикамиз пойтахтида жойлашган. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла оксоқоллари унинг манзилни билиб қўйишса, фойдадан ҳоли бўлмайди. «Asr Selta» деб номланувчи ва симобли лампаларни зарарсизлантиришга ихтисослашган бор корхона, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси 7-уйда жойлашган, телефони — 173-88-06.

**Тезкор гуруҳ тушган автомашина «Қибрай» ширкат хўжалигининг 2-бўлими томон бурилиши биланоқ кўз ўнгимизда аянчли манзара намоён бўлди. Беш гектарча ер қурум босиб, қоп-қора бўлиб ётар, жонсиз, тақир ерга айланган майдон инсондан шафқат кутаётгандай эди. Эътиборимизни кўшни дала тепасидан юқорига ўрмалаётган қора тутун тортади. Ҳа ёққа йўл оламиз.**

Далага яқиндагина ўт кўйилгани кўриниб турар, аланга барча нарсани ямлаб, қомига тортаётган эди. Катта йўл ёқасидаги ариқ лабига каравот ўрнатилган. Каравотда бир неча киши ястаниб ётишибди. Қаршиларидаги манзара уларни ташвишга солмаётганлиги сезилиб турибди, гурунглари бамайлихотир.

— Далага ким ўт кўйди? — сўраймиз улардан.

— Билмадик, болалар бўлса керак.

Қизик, қаерга борманг, қайси раҳбарга шу саволни берманг, юқоридаги жавобни оласиз. Айбни қачонгача болаларга тўнқайсиз, дегинг келади беихтиёр!

— Учирмайсизларми? — Ёнишини қаранг, ўчириб бўлармиди?

Дарҳақиқат, олов ҳалқаси дақиқа сайин кенгайиб борарди.

— Перне деган бригадирники. Бўлим бошлиғи Абдуразақ Файазаров.

Иккалови ҳам хозиргина шу ерда эди. Кетворишди.

Бўлим аъзоларининг гуриллаб ёнаётган, жизганакка айланаётган далани кўриб индамаётганларидан ҳам ажабландик, ҳам ачиндик. Ахир, бу дала уларнинг ўзини, болачақасини, халқини боқадику. Киши сув ичган қудуғига тупурмаганидек, ризқ-рўз берган даласини ҳам хўрламайди. Ота-боболаримиз минг йиллардан бери зироатчилик билан шуғулланиб келган. Деҳқончилик маданиятини шакллантирган. Бой тажриба тўплашган. Хўш, айтингчи, ана шу тажрибалар орасида далага ўт кўйилишини ҳеч уч-

ёқиб юборилгандан кейин ҳосил бўлган тупроқнинг устки жонсиз қатлами ерни ҳайдаш натижасида 25-30 сантиметр чуқурликка, яъни тупроқ тагига тушади. Бу ҳол кўп йиллар мобайнида давом этса, тупроқдаги куйган қатламнинг қалинлиги ортиб боради. Демак, она ерга етказилган

бошқарувчилик қилган иккинчи бўлимида 1,5 гектар майдондаги сомон ёқиб юборилган. Куйик далаларни Байтқўрғон, Т.Нормухамедов номи ва «Қизил шалола» тажриба хўжаликларидан ҳам кўриш мумкин. Яқиндагина ана шу хўжаликларнинг оилавий пудратчилари галладан мўлҳосил кўтаришиб, ютуқларини юртга кўз-кўз қилишган эди. Энди эса беназир саховатини инъом этган ерга раҳмат айтиш ўрнига завоқ етказишмоқда.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-текшириш институтининг тажриба хўжалиғи ғаллакорлари баридан олиб тушдилар. Хўжалик бош ҳосилоти Неъмат Кимсанов 2, 3, 5-бригададаги далаларнинг ўт-олов ичида қолишига йўл кўйган. Оқибатда 17 гектар майдон қурумзорга айланган.

Яна бир муаммо. Фалла ҳосили йиғиштириб олинганига 2 ой ҳам бўлиб қолди. Бироқ, кўп жойда ҳосилдан бўшаган майдонлар ҳалигача ҳайдалмай ётибди. Бу олов-бозликка шароит яратяпти.

Фалладан бўшаган ерлар ёндирилгани учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича меъёрий ҳужжатлар бўлмаган сабабли, табиатни муҳофаза қилишнинг давлат нозирлари уларга нисбатан фақатгина жарима солиш билан чегараланмоқдалар. Аммо келтириладиган зарарларни зиёнининг чегараси йўқ.

Азиз ғаллакорим! Нахотки тутаётган далаларни кўриб, аччиқ тутунларни ҳидлаб ачинаётган бўлсангиз. Кўкка ўрлаётган қора тутун эмас — ернинг нолаеси-ку.

Атрофингизга бир боқинг. Қаранг, Она ер ёнишига, жизганак бўлишига асло йўл кўйманг.

**Саидахмад Хўжаев,  
Чирчиқ табиатни  
муҳофаза қилиш  
минтақавий кўмитаси  
Қибрай тумани бўлими  
нозири.**

## ДАЛАДАГИ ЁНҒИН — ЕРНИНГ ШҲРИ

ратганмисиз? Йўқ! Учратмайсиз ҳам. Чунки аждодларимиз ерни кўз қорачиғларидек авайлаган, асраган. Шунинг учун ҳам сизу бизнинг ризқимиз манбаи бўлган заминимиз хозирги кунларимизга безавол етиб келган. Биз эса уни ардоқлаш ўрнига силласини қуритяпмиз, бағрини қовжиратаяпмиз.

Туманимизда кенг тарқалган бўз тупроқнинг ҳар граммидан 1880-3000 миллион микроорганизмлар ва тупроқнинг юқори қисмидаги 5 сантиметр қатламида 1,5-2 фоиз чиринди бор. Тупроқнинг 10 сантиметр қатламида чириндининг 70 фоизга яқини ва микроорганизмларнинг 64 фоизи тарқалган. Ана шу микроорганизмлар тупроқда кечаётган биологик жараёнларнинг барчасида иштирок этиб, тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Микроорганизмларнинг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 28-27, максимал ҳарорат 43-45 даражадир. Бугдой сомони даланинг ўзида ёқиб юборилганда ҳарорат юқори даражага кўтарилади. Натижада ернинг 5 сантиметрлик қатламида органик моддалар куйиб йўқолади, микроорганизмлар ҳалок бўлади.

Тўғри, сомон қолдиқлари


салбий таъсир бир неча йилдаёқ ўзининг хунук оқибатларини келтириб чиқаради. У «майиб-мажруҳ»га айланади.

Фақат бугина эмас. Пояларнинг ёқилиши оқибатида атроф-муҳит ифлосланади, табиат мувозанати бузилади, ҳавога ёниб бўлган қолдиқлар — қора тўзон тарқалиб, инсон ва ҳайвонот дунёсининг нафас олишини қийинлаштиради, ер юзидаги ва тупроқ говақларидаги кислоталар ёниб, ҳавога азотнинг захарли бирикмалари ва бошқа захарли моддалар ёйилади.

Кекса деҳқонларнинг айтишларича, бир ерга тўрт йил давомида қаторасига ўт кўйилса бу жойда ҳосил етиштиришнинг имкони бўлмайди. Омилкор миришкорлар не-не маблағ сарфлаб, далаларига биогурус солаётгани ёки чувалчанларни — митти ер ости «трактор»ларини кўпайтиришга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Шундай бир пайтда айрим калтабин деҳқонлар тупроқдаги жонзодларга қирон келтиришмоқда. Бунинг салбий оқибатини хозирданок пайқаш мумкин.

Ерга нисбатан бундай тошбағирликни туманимизнинг бошқа жойларида ҳам учратдик. Чунончи, «Қибрай» ширкат хўжалигининг Раҳмонберди Эрматов

Бўстонликнинг ҳар бир минтақаси табиати гўзаллиги ва мафтункорлиги билан кишиларга ҳар доим завқ-шавқ бағишлаб, уларни ўзига ром этади.



## ХАЗОННИ АСЛО ЁҚМАНГ

**Куз гўзал фасл. Табиат дарахтлар ва буталар япроқларини турли рангларга бўяйди. Баргларида фотосинтез жараёни тўхтабди, уларда шарбатнинг оқиши секинлашади. Тўкилган барглари теварак-атрофни бамисоли кўрпа сингари қоплайди. Оёқ кўйсангиз шитирлаб кайфиятингизни кўтаради.**

Кўпинча ана шундай гўзал манзарани бузувчи ҳоллар ҳам рўй беради. Бу ҳазонларнинг ёқилиши оқибатида теварак-атрофга тарқалаётган аччиқ тутундир. У кўзингизни ёшлантиради, нафасингизни қисади. Чунки, бу тутун таркибида жуда кўп инсон саломатлиги учун зарарли моддалар бор. Хазон ёқилганда тутундан ташқари карбонад ангидрид, карбон газини, азот, диоксид ва бошқа шу каби захарли моддалар бўлади. Ҳатто руҳ ва бошқа оғир металллар зарарлари ҳам бўлиши мумкин. Улар автомобиль транспортининг ички ёнар двигателлари иши билан боғлиқдир. Яшил ўсимликлар ўз барглари билан худди тутун ютувчилар каби чангни ушлаб қолади. Чунончи 400 та ёш терак бир ёз давомида 300 килограмдан ортиқ чангни ютади. Қайрағоч, чинор ва шу каби катта дарахтлар баргларида эса янада кўпроқ чанг-тўзон сингил кетади. Хазон ёқилган зарарли моддалар ҳавога кўтарилади ва унда тўпланади. Бундай ҳаводан нафас олган инсон танасида зарарли бирикмалар, шу жумладан оғир металллар тўпланади. Уларни танадан чиқариб юбориш эса, ниҳоятда мураккаб ишдир. Оқибатда у кўпчилик касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Тўкилган хазонларни зарарсизлантиришнинг усулларида бири компост чуқурчаларни тайёрлашдир. Унга тўкилган хазон чирийдиган ва тупроқ учун яхши озуқа бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими инсон саломатлиги гарови — ҳаво тоза бўлади.

**Р.АБДУРАШИТОВ,  
эколог.**

## ОҚАВАЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИЛАДИ



Исроил «Ифлосланган сув», яъни тозаланган оқавалардан фойдаланиш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат ҳисобланади. Бундай сувнинг ҳаммаси саноат ва қишлоқ хўжалиғи эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Шундай йўл билан ҳосилни камайтирмаган ҳолда деҳқончиликда сарфланадиган об-ҳаёт ҳажмини 40 фоиз камайтиришга эришилди. Исроилда қишлоқ хўжалиғида сув сарфиётини қисқартириш ва тежашга қаратилган турли хил воситалар ишлаб чиқарилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Ҳатто сўғоришнинг компьютерлашган тизими ҳам қўлланиляпти. Бунда суважратгич иншоотлари дарвозалари ўсимликлар илдизиданги намлик йўл кўйилиши мумкин бўлган даражадан ўтиб кетгандагина очилади.

## ИККИ ЙИЛДАН КЕЙИН

Бу воқеа Англияда содир бўлган эди. Бир оилада қўлга ўргатилган тошбақа



яшар эди. Кунларнинг бирида у ўз хўжайинининг уйдан чиқиб, қаёққадир кетиб қолди. Хўжайин бу жониворнинг томомила йўқолиб кетишига ишонмас эди. Чунки, у тошбақанинг қосасига бўёқ билан исмишарифи ва яшайдиган манзилни ёзиб қўйган эди. Бу тахмин тўғри чиқди. Тошбақа роса икки йилдан кейин узоқ бир қишлоқдан топилди. У шу давр ичида 385 километрлик масофани босиб ўтган эди.

## БУЛОҚ ТАГИДА ҲОР

Америкалик фуқаро Линкитнинг уйини сув билан таъминловчи булоқ унинг молхонаси ёнидаги тепалиқнинг ён бағридан чиқиб ётарди. Нима бўлдию ундан сув бир неча кунгача келмай қолди. Бундан ташвишга тушган Линкит бунинг сабабини аниқлаш учун чопки ва белкурални ишга солди. Тўсатдан ер ўпирилиб, у ўзини ер ости бўшлиғида кўради. Шундан кейин у ўғилларини ёнига олиб, ғорга қайтиб келади. Улар тўрт соат давомида ғорнинг турли заллари ва йўлакларини бўйлаб юришади. Улар ажойиб-ғаройиб кўринишларга маҳлиё бўлиб, шунча вақтнинг ўтиб кетганини сезишмайди. Бир жойнинг «мўри»сидан тиниқ сув



катта чуқурликка отилиб тушиб турар эди. Унинг чуқурлигини тахминан бўлса ҳам аниқлаш мақсадида унга тош ташлашган эди, лекин унинг овози эшитилмади. Ҳорнинг оғзидан бир ярим километрча ичкарикликда турли хил шакллар солинган эди. Бу олимлар эътиборини жалб қилди, улар шаклларнинг моҳиятини аниқлашга киришдилар.

«Хурматли тахририят! Сарик касаллиги — вирусли гепатитда кўпинча жигар шикастланади дейишади. Бу хасталикнинг белгилари нима ва ундан сақланишда қандай даво чораларини кўриш керак?»

Нафиса Шодиева,  
уй бекаси.

## БЕЛГИСИ ҲАМ, НОМИ ҲАМ САРИК



Сарик касаллиги тиббиётда вирусли гепатит (Боткин хасталиги) деб юритилади. Юқумли сарик хасталиги организмнинг маълум даражада вируслар билан захарланиши ва асосан жигарнинг шикастланиши билан кечади. «Гепатит» сўзи лотинча бўлиб «жигар яллиғланиши» деган маънони билдиради.

Ҳозирги қоидага кўра сарик касаллигининг «А», «В» каби бир неча турлари маълум. Улар юқумли йўллари турлича кечиши билан бир-биридан фарқланади. Жумладан, «А» гепатитининг тарқалиши асосан ифлос кўл, озиқ-овқат ва сув воситасида бўлса, «В» гепатитида турли уқоллар, қон ва унинг препаратлари қўлланиши (агар улар вирус билан зарарланган бўлса) сабабчи ҳисобланади. Умуман, хасталик қандай тарқалишидан қатъи назар, кўп ҳолларда кўз оқи ва терининг сарғайиши билан кечади. Шу боисдан бизда сарик касаллиги деб юритилади.

Сарик касаллигининг дастлабки даврида ҳароратнинг кўта-

рилиши, иштаха йўқолиши, дармонсизлик, тўш остида оғирлик, баъзан кўнгли айниши ва қайт қилиш аломатлари кузатилади. Шунингдек, дармонсизлик билан бирга оёқ-қўл зиркираб оғриши, бўғимлардаги оғрик кўпроқ учрайди. Хасталик асосан организмнинг ўзига хос кимёвий лабораторияси бўлган жигарни зарарлайди. Натижада жигар фаолияти бузилиб, сариклик аломатлари юзага чиқади. Сарик касали бўлганда энг муҳим шартлардан бири шифохонада ётиб даволаниш керак. Беморнинг аҳолига ва касалликнинг кечишига қараб дори-дармонлар ичиш учун буюрилади ёки томчилаб юборилади.

Сарик касалининг тузалишида парҳезга риоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Истеъмол қилинадиган таомлар сифатли, витаминларга бой, жигарга салбий таъсир кўрсатувчи моддалардан ҳоли бўлиши керак. Кўпроқ сут ва турли хилдаги сут маҳсулотлари: қатик, кефир, янги тайёрланган сузма, творог кабилар берилиши тавсия қилинади. Ширчой, ширгурч, ширқовоқ каби таомлар гоёт

фойдали, энгил ҳазм бўладиган овқатлардир. Ноннинг олий сортли навларини ва ёнган нон ейиш мумкин. Гўшт маҳсулотларидан ёғсиз мол ва қўй гўштини қайнатиб пишириш ёки қийма қилиб пиширилган котлет, тефтеллар ҳолида истеъмол қилиш керак. Буглатиб пиширилган балиқ ҳам жуда фойдали. Қовоқ ва картошкали манти, сомса, чучвара, лағмон, серсабзи шовла ва угра ошлар ҳам буюриладиган парҳезга монанд таомлар ҳисобланади. Ширинликлардан шакар, новот, қанд тановул қилиб туриш мумкин. Олчали, беҳили, қулупнай, смородина ва малина мурабболари фойдали. Ҳўл мевалар, минерал сувлар ва мева шарбатлари ҳам фойдали. Бемор шифохонадан тузалиб чиқаётган вақтда ўзини яхши ҳис қилса ҳам, жигардаги баъзи ўзгаришлар ҳали тугалланмаган, организмдаги мураккаб моддалар алмашинуви ўз аслига қайтмаган бўлади. Шунинг учун ҳам сарик касаллигидан тузалган беморлар вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туришлари ва юқорида кўрсатилган парҳезга қамиди 6 ойгача риоя қилишлари лозим. Шунингдек, хасталикни бошидан кечирган киши ўзини шамоллаш, қаттиқ ҳаяжонланиш, офтоб уриши, чарчаш каби таъсирлардан эҳтиёт қилиши, оғир жисмоний иш билан шуғулланмаслиги керак.

Уй-жойларни покчила тутиш, жамоат жойларида, айниқса бозорларда гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, пашша, суварак каби ҳашаротларга қарши кураш воситаларидан фойдаланиш керак.

### Мутахассис маслаҳати



## БУ - ОДДИЙ ШАМОЛЛАШ ЭМАС

**Грипп хавфи юқумли касалликдир. Беморлик ҳолати тўсатдан бошланади, турига қараб оғир ўтади, тез юқади, нафас йўллари, асаб тизими шикастлаб бошқа асоратларга олиб келиши мумкин.**

Касаллик асосан нафас йўллари орқали ўтади. Гриппни алоҳида вируслар кўзгатади. Улар кишилар ақса урганда, йўталганда, гаплашганда ҳавога чиқади ва соғлом кишиларга юқади. Бемор ётиб даволанмаслиги натижасида автобус бекатларида, кинотеатрларда, ўқув муассасаларида, савдо дўконларида, умуман, гавжум жамоат жойларида касалликни юқтириб олиш мумкин.

Грипп бемор фойдаланган турли буюмлар: дастурмо, идиш-товоқ, кийим-бош ва бошқалар орқали ҳам юқиши мумкин. Бош оғриги, ҳароратнинг кўтариллиши, бадан увишиши, мускуллар ва бўғимлар оғриги, лоҳаслик, дармонсизлик бу касалликка чалинганлик белгисидир. Айрим вақтларда тумов бўлмаган, йўтал ва иссиқ кўтарилмаган ҳолда ҳам касаллик келиб чиқиб, бемор оғир аҳволга тушиши мумкин.

Касалланган беморни дарҳол алоҳида жойга ётқизиш, уйга шифокорни чақириш ке-

рак. Беморга қарайдиган шахслар оғиз-бурунни тўрт қаватли доқа билан беркитиб юришлари керак. Маска никоби учта — қизил, сарик, яшил белгилари бўлиши керак. У ҳар турли соатда алмаштириб турилади. Улар ҳар куни ювиб дазмолланиши керак. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиш тавсия этилади. Хона ҳарорати 18-20 даража бўлиши тавсия қилинади. Икки қошиқ хлорни бир челақ сувда эриштиб, касал ётган уйни 2-3 маҳал артиб туриш керак. Бемор ишлатадиган дастурмо, сочик, кийимларни ювишдан олдин қайнатилади.

Беморга витамин С ва А қўшилган иссиқ ичимликлар — наъматак дамламаси, сабзи суви, лимонли ва малинали чойни кўп ичириш тавсия этилади.

Бу касалликнинг олдини олиш мақсадида интерферон эритмаси бир томчидан уч маҳал, антигриппин бир донадан уч маҳал ичиб юрилади. Оксалин мази бурунга суртилади ва калий перманганат — марганцовка эритмаси билан бармоқлар бир кеча-кундузда икки маҳал чайилади.

Шуни унутмаслик керакки, грипп оғир асоратлар келтириб чиқаради. Касалликнинг олдини олиш учун биз тавсия этаётган чора-тадбирларни ҳамisha ёдда тутинг!

Фарида КОМИЛОВА,  
Саломатлик институти  
Тошкент вилояти  
филиали услубиётчи-  
шифокори.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛАЛИДА**

Ўтган ҳафтада, 1 та ким ошди савдоси ва 3 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида 1 та давлат автотранспорти 650,0 минг сўмга сотилди.

Биржа савдосида 1 та давлат кўчмас мулк объекти 28285,0 минг сўмга, 1 та давлат ва 2 та нодавлат автотранспорти 1341,0 минг сўмга сотилди.

Ким ошди савдоарида 11.09.2002 йилда сотилган Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат хўжалигида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган № 3, 4 ер майдонларига нисбатан ким ошди савдоси натижаси бекор қилинди ва қайтадан навбатдаги ким ошди савдосига кўйилди.

**ХИ «SANOATQALINQOG'ZSAVDO» ОАЖНИНГ**  
Жаркўрғон кўчаси, 47- манзилидаги  
«Папирус» КТФ ҳудудида жойлашган участкаси

**3 ва 5 қатламли гофроқалинқоғоздан  
ГОФРОЯШЧИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ**  
ва уларни арзонлаштирилган нархларда —  
хар бир квадрат метрини 390,0 — 750,0 сўмдан  
**сотади.**

Маълумот учун тел.: 96-68-06, 93-33-78, 144-31-83.

## Sport

### Осиё чемпионати — 2002

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ИШТИРОКЧИСИ

Қатарда ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида иштирок этаётган терма жамоамиз чорак финалда Сурия футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финал иштирокчисига айланди.

Мусобақа низомига кўра Осиё чемпионатининг барча ярим финалчилари келаси йили март ойида Бирлашган Араб Амирликлари ўйингоҳларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритдилар.

Иккинчи бўлимнинг 8-дақиқасида Нодир Кўзибоев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Киритилган тўғдан сўнг ёшларимиз ҳужумни кучайтириб, рақиблари дарвозасига яна учта жавобсиз тўп йўлладилар. Уйлаймизки, улар келаси йили ўтадиган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этадилар ва ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

### Осиё чемпионлар лигасининг Фарбий Осиё минтақасида иштирок этаётган «Нефтчи» ва «Пахтакор» учинчи босқич ўйинларини ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

«Нефтчи» сафардаги учрашувда «Аҳли Сана» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб қайтган эди. Фарғонадаги жавоб учрашувда улар яманликларни 6:0 ҳисобида ютдилар. Энди Эроннинг «Истиқлол» жамоаси билан баҳс юритадилар.

«Пахтакор» ҳам иккинчи учрашувни ўз майдонида ўтказди. «Ал-Иттиҳод» жамоаси майдонидаги биринчи учра-

### XI миллий чемпионат

## КЕТМА-КЕТ МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат ўн биринчи миллий чемпионатида иштирок этаётган жамоалар навбатдаги йигирма бешинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Етти учрашувдан олтинчи майдон эгалари галаба қозонди. Дарвозаларга эса бор-йўни 16 та тўп киритилди.

Иккинчи даврани бўш ўтказётган «Дўстлик» жамоаси «Навбахор»ни қабул қилди. 88-дақиқада меҳмонлар томонидан уюштирилган қарши ҳужум «Навбахор»га галаба келтирди. Шўхрат Мирҳолдишев галаба тўпининг муаллифи бўлди. «Дўстлик» чемпионатда ўн бешинчи бор майдондан бош эгиб чиқиб кетди.

### Осиё чемпионлар лигаси

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧДА

шув 4:3 ҳисобида бой берилган эди. Учрашувнинг биринчи бўлимида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Танафусдан сўнггина пахтакорчиларнинг ҳужумлари кескин тус олди. Эронлик бош ҳакам томонидан 75-дақиқада меҳмонлар дарвозаси томон белгиланган жарима тўпини узоқ ма-

софадан Сервер Жепаров қойилмақом қилиб бажариб, ҳисобни очди. «Пахтакор» ўйин охиригача ҳисобни 3:0 га етказди. Тўртинчи босқичга чиққан пахтакорчилар БААларининг «Ал-Аҳли» жамоаси билан ўйнайдиган бўлдилар. Ҳар икки жамоамизга тўртинчи босқичда муваффақият тилаб қоламиз.

### Гимнастика

## ОКСАНАНИНГ НАВБАТДАГИ КУМУШ МЕДАЛИ

Шотландиянинг Глазго шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги босқичи давом этмоқда.

Яқиндагина Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси газнасига иккитадан олтин ва кумуш медал туҳфа этган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина Шотландиядаги мусобақада ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Оксана гимнастиканинг таяниб сакраш машқларида кумуш медалга сазовор бўлди.

«Металлург» ҳам сўнги ўйинларни бўш ўтказмоқда. Улар Фарғонада майдон эгаларига қарши тўп суриб ўйинни 2:0 ҳисобида бой бердилар. «Металлург» кетма-кет мағлубиятдан сўнг ўз ўрнини «Навбахор»га бўшатиб берди. «Навбахор», «Металлург» ва «Бухоро» жамоаларида 39 тадан очко бўлиб, 5-6-7-ўринларни таллашиб туришибди.

«Кизилқум» — «Пахтакор» учрашуви 7 ноябрга кўчирилган. Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қўқон-1912» — «Трактор» 2:1; «Зарафшон» — «Самарқанд-Д» 2:1; «Сўғдиёна» — «Бухоро» 1:0; «Насаф» — «Машъал» 2:0; «Сурхон» — «Андижон» 3:1.

Чемпионатнинг навбатдаги 26-тури 2 ва 3 ноябрда ўтказилади. «Металлург» ўз майдонида «Сурхон» билан баҳс юритади. «Дўстлик» эса Андижонда майдон эгаларига қарши тўп суради.

Талъат ЮСУПОВ.

**Bolalik bog'i**  
**SOTUVCHIGA MAZZA**

— Sotuvchiga xo'p mazza, — Dedi, jajji Aziza.  
 — Nega deb so'r'di hayron, — Dugonasi Guljahon.

— Agar sotuvchi bo'lsang, Rosa mazza qilasan.  
 — Magazinda konfet ko'p, Xohlagancha eysan, xo'p!  
**Sobir OLIMJON.**



**Немис муסיқачилари концерти**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мюнхен камер оркестри концерти бўлиб ўтди. У Марказий Осиё бўйлаб сафар доирасида Гёте институти томонида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги кўмагида ташкил этилди.

Халқаро муסיқа майдонида Мюнхен камер оркестри ҳақида сўз кетганда "анъанавийлик" ва "янгилик" тушунчалари қўлланилади. У 50 йил аввал ташкил этилган бўлиб, ўзига хос ижодий концепцияни танлаган. Барокко, кеч романтизм классикаси ҳамда замонавий асарлар ўрин олган бой репертуари учун оркестр кўп бор турли мукофотлар билан тақдирланган ва халқаро эътирофга сазовор бўлган.

ЎЗА.

— Пардани бепардадан, тарбияни бетарбиядан ўрган, деганлари бежиз эмас, — деди Асом ғаданг даврада одатдаги жойини эгаллаб туриб.

— Ҳа, яна нима даҳмаза? — сўради хириллаган товуш билан Ҳоким машмаша.

— Мана ҳозир келаётсам, бозорча ёнида, бор-ку, ўзимизнинг Ёкут сатанг, ўша новвой болаларга бирам дағдага қилаяпти, — Ҳаданг Хошим қошиқчи узатган пиёлани қўлига олди. — Мундоқ кузатиб турдим, нима гап деб. Аммо кейин афсус қилдим. Бир бола аравачасини унинг писта-қуртлари яқинроғидан олиб ўтган экан. Бор гап шу. Лекин сатангнинг оғзидан чиқаётган сўзу ибораларга илон инига кириб кетади. Бирам бепарда-бирам бепарда. Уялмайди, алвасти.

— деб қўйди Ҳаданг пиёлани узата туриб. — Сал нарсага «пов» этиб ловиллайди. Автобусу трамвайни қўяверасиз. Оддий сўзлари, нимаиди, — Ҳаданг Ҳоким машмашага юзланди, — млинми?

— Блин, — яна кулимсиради Машмаша.

— Ҳа-я. Ёш-ёш қизларимиз ҳам саҳтиён шимларини кўтариб-тўғрилаб туриб, шундай ибораларни қўллашади-ки,

улоқ пайти юз берибди. Билсангиз, жиян Миршоҳид Мирисмоилов «баданини киздириб» олгач, даврани бир-икки айланмоқни ҳавас қилибми, тоғанинг отига сакраб миниб олибди. Тоға ҳам қўяқолмабди. «Туш-чи, туш!» — деб юганни юлқиганича эгарда ўтирган жиянга ёпишибди. Ҳозиргина

**Фельетон**

яқунланган.

Жанжал чиқараман десаңг, турмушда нима кўп, баҳона кўп. Кўтарсанг, мушт энгили, тушиши оғир. Аслида одам боласи вазмин бўлгани маъқул, ўйлайди Ҳаданг. Бир оғиз гапдан қола билиш ҳам бир санъат, бу билан асло осмон узилиб ерга тушмайди. Лекин одам боласи одамга ўхшаб яшайди, «бироз олис ерлар»да йиллаб қолиб кетмайди, ўз пушти-камаридан бўлган фарзандларини ўзи ўстириб, тарбиялаб, уйли-жойли қилади.

Ҳаданг орқага энгашиб, «чирт» этиб носини туфлади. Ва, қўлини бир силтаб қўйди. Шу пайт йўлнинг нариги бетига автобус келиб тўхтади. Одамлар туша бошлаганда, бирдан тўс-тўполон бошланди. «Қўйсангчи», «Сол, каллаварамни!» — деган овозлар эшитилди. Автобус кўзгалди. Бекатда икки йигит бир-бирига ташланишарди. У томондан ўтиб, чойхонадаги жўраларига яқинлашаётган Самиқ бува аламли кулимсираб:

— Жўжахўрозлар, — деб қўйди.

Каравотга чиқиб ўтиргач, тушунтирдикки, жанжалкашлар Аливой омборчи билан Валивой ферманинг болалари экан. Йўл бўйи ади-бади айтишиб келишипти. Бутун гап Валивойнинг ўғли ёнида келаётган қизга шилқимлик қилишидан бошланипти. Аливойнинг ўғли: «Қўй, Ваҳоб, уятинг борми?» — деган экан, амакиваччаси уни кўпол бир сўз айтиб, силталаб ташлапти.

— Мана оқибат, — Самиқ бува узатилган чойдан хўплади.

Шу пайт ўша Ваҳоббойваччани Ашир милиса кўчанинг ўртасидан етаклаб борарди.

— Ё тавба, — деди Асом ғаданг секингина.

Шу аснода унинг ўнг қўли ёқасида эди.

**Халқ табобати**

**АНОР**



Табобатда анор пўсти, меваси ва гуллари кўпгина касалликларда, жумладан сариқ, истисқо, гижжа, кўтир, лавша, ичак касалликлари, иштаҳа пастлигида, бадан лат еб, суяқлар синганида ва оғриқ қолдириш учун қадимдан ишлатилади. Ичак касалликлари, қон туфлаш, қон кетишига даво қилиш учун Ибн Сино анор гулларида, меъда-ичак йўли, жигарнинг, талоқнинг яллиғланиш касалликларида фойдаланган. Асалга қориштирилган анор уруғлари ҳадеганда битавермайдиган яраларга қўйилади, тиш ва қулоқ оғриғига қарши ишлатилади. Анор шарбати ва қайнатиб, қуоқлаштирилган суви бош оғриғига даво бўлади. Ширин анор ични тозалайди, нордони эса меъда касалликлари ва иситмада фойда беради.

Замонавий табобатда ширин анор суви гастрит, буйрак санчикларида, нордон анор суви эса қандли диабетда буюрилади.

Қуоқлаштирилган суви лавша, бавосил, конъюнктивитларда ишлатилади, иштаҳа очиш учун, шунингдек, иссиқни туширувчи, чанқоқни қондириш учун ҳам ишлатилади.

Тайёрлаш усули: 20 грамм қуруқ анор пўсти ёки 50 грамм меваси устига 200 мл сув қуйилиб, паст оловда 30 дақиқа давомида қайнатилади, сузиб олиб, сувини колитлар ва энтероколитларда овқатдан олдин 2 ош қошиқдан қунига икки маҳал ичилади.

**АСОМ ҒАДАНГ «ТАВБА» ДЕЙДИ**



Ҳоким машмаша «қх-х» этиб, мўйлабига кулиб қўйди. Сабаби — ўзи ҳам шу сатанг деб, хўп кулги бўлган ўша бозорчада. Аср номозидан чиқиб, уйига ўтиб бораётган эди, бозорчада бақир-чақир устидан чиқиб қолди. Кўрсаки, сатанг ўртаяшар бир аёлни бўралатиб... сўкаяпти! На оғзи қолаяпти, на ойдекки-на юзи.

— Ҳой-ҳой, уят бўлади-я, — деганини билади, сатанг қарияга ёпишиб кетди.

— Ҳе, сенми, эчкисоқол... Уч-тўрт томошаталаб сатангнинг бу гапига кулиб юборди. Бечора мўйсафид қолди аланг-жалаңг, жавоб тополмай. Сатанг бўлса шанғиллаб, унга ўзича дакки бера кетди:

— Кетавермайсанми, ҳассангни дўқиллатиб... Яхшиям нарироқда Эшмат хангома ўтиб қолди: — Ҳа, Ҳокимжон, нима машмаша? Унга жавоб баҳона чоли тушмагур сатангнинг хезла-нишидан омон-эсон қутилиб кетди...

— Одамлар тажанглашиб, сал нарсага ёқадан оладиган бўлиб бораёпти, — салмоқланди Ёқуб бува, — на ёшга қарайди, на бошга.

— Шунга айтмоқчиман-да,

илон пўст ташлайди...

Ҳаданг одамлар орасидаги муомала низоми бузилиб бораётганидан хуноб бўлганича бор. Оддий бир фикр устида бақир-чақир бошланиб кетиши ҳеч гап бўлмай қолди. Кўча-қуйдагиси-ку, баҳаннов, ака-ука, тоға-жиян, амма-холавачча ўртасида тортишув, уруш-жанжални айтмайсизми?! Дастурхон устида арзимаган лўкма ёки мундоқроқ ўтириш баҳона борди-келди гаплар аланга олиб кетиши-чи? Ҳамма ўзини ҳақ деб билади, ҳамма ўзини оёқости қилинаётгандек хис қилади. Бир гапдан қолмайди, андишага бормайди. Автобусда дарҳол: «Қани, пастга туш, гаплашамиз!»га ўтишади. Пиртоволда-ку ҳе йўқ-бе йўқ, ёқангизга ёпишишади. Бир оғиз сўз тутул, бир қараш ортиқча. «Нега хўмраясан?» «Хўмраймаяпман-ку, ака». «Йўқ, хўмраяпсан, қани, буёқча ўт!»

Паркат томонга борган Ҳаданг икки воқеани эшитди-ю, дами ичида қайтди. Шу-шу қўли ёқасида, тили учидан — «тавба».

Нима гап дейсизми? Жиян-тоға гап талашиб судлашибди. Ҳамма борди-келди

«сен ол, сиз олинг» деб, бир-бирларига «ок»ини мулозамат қилиб ўтирган тоға-жиянлар орасидан қора мушук лип этиб ўтибди-ю уруш-жанжал бошланипти. Ёш эмасми, Миршоҳид Миртопилнинг боши-юзи аралаш икки-уч мушт туширипти...

Паркатнинг қоқ ўртасидаги бошқа бир жанжалнику қўяберасиз. Обид Юнусов кўчасида яшовчи Қаҳҳор Исомов, энди ёш эмас, Миршоҳид сингари «муқаддам бирнеча марта» судланмаган, тўрт фарзанднинг отаси, ўз хусусий дўконларида ичиб, Навоий кўчасида яшовчи Рашид Мажидовни калтаклаган. Шу уриш-жанжал оқибатида жабрланувчи касалхонада вафот этган.

— Ўша кўни Тошкентга тушиб, дўконимизда сотиш учун мол олиб чиқдим, — деди судда муштумзўр. — Нарсаларни тушураётсам, маҳалладаги йигитлар келиб қолишди. Иккита коньяк ичиб, овқатланиб кетишди.

Айни шу пайт Рашид дўконга кириб келган. Судда Қаҳҳорнинг кўрсатишича, у ҳам ичган ҳолда бўлган. Икки ширакайфнинг дуғоб келиши... бирининг ўлими билан

Жўрабек МУРОДОВ.

**КЕКСА ИЖОДКОРЛАР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ**

Республика болалар бадий ижодиёти марказида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган кўрғазма очилди.

Унда кекса ижодкорларнинг амалий ва тасвирий санъат йўналишларидаги 150 дан зиёд асари намойиш этиляпти. Уларда табиатимиз гўзалликлари, юртдошларимиз ҳаёти, миллий урф-одат ва кадрларимиз ўзига хос бадий ифодасини топган. Кўрғазмада истиқлол йилларида яратилган асарларга кенг ўрин берилган.

(ЎЗА).

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
 МУҲСИНС ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ  
 Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ  
 Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-70-10, 136-53-80.  
 Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
 Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.  
 Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва соҳифоланди.  
 ● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.